

**БМТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИГА ОИД ИҚЛИМ
ЎЗГАРИШЛАРИГА ҚАРШИ СЕЗИЛАРЛИ ЧОРАЛАРНИ ҚАБУЛ
ҚИЛИШ ҲАМДА ЕР УСТИ ЭКОТИЗИМЛАРИНИ ЧЎЛЛАНИШГА
ҚАРШИ САҚЛАШ МАҚСАДЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИ ЖИҲАТИДАН АМАЛГА ОШИРИЛИШИ**

*Ачилов Жамол Алишерович
БМнинг Назорат ва ижро интизоми бўлим
бошлиғи. Мустақил тадқиқотчи*

**РЕАЛИЗАЦИЯ ЦЕЛЕЙ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ООН,
СВЯЗАННЫХ С ИЗМЕНЕНИЯМИ КЛИМАТА И СОХРАНЕНИЕМ
ЭКОСИСТЕМ ЗЕМЛИ В УЗБЕКИСТАНЕ НА ОСНОВЕ ПРАВ
ЧЕЛОВЕКА**

**IMPLEMENTATION OF THE UN SUSTAINABLE DEVELOPMENT
GOALS RELATED TO CLIMATE CHANGE AND CONSERVATION OF
THE EARTH'S ECOSYSTEMS IN UZBEKISTAN BASED ON HUMAN
RIGHTS**

Аннотация: автор статьи на основе прав человека рассмотрел реализацию целей устойчивого развития ООН, связанных с изменениями климата и сохранения экосистем земли в Узбекистане, включая изучение соответствующих правовых источников, статистических данных, установив первоочередные задачи по борьбе с изменениями климата и сохранения земельного фонда в Узбекистане, в связи с усиливающимися процессами глобального потепления и высыхания Аральского моря.

Ключевые слова: борьба с изменениями климата, сохранение экосистем земли, глобальное потепление, Рамочная Конвенция ООН “Об изменении климата”, парижское соглашение по климату, Республика Узбекистан, Киотский протокол, Стратегия “Узбекистан-2030”, права человека

Аннотация: мақола муаллифи БМТнинг Барқарор ривожланишига оид иқлим ўзгаришларига қарши сезиларли чораларни қабул қилиш ҳамда ер усти экотизимларини чўлланишга қарши сақлаш мақсадларини Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари жиҳатидан кўриб чиққан ҳамда тегишли ҳуқуқий манбалар, статистик маълумотларни таҳлил қилиб, иқлимнинг ўзгариши, Ўзбекистонда ер фондини сақлаб қолиш масалалари ва чўлланиш оқибатида Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ оқибатларни БМТнинг Барқарор ривожланишига оид мазкур

мақсадларга нақадар таъсир этиши ва уларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган дастлабки муҳим вазифалар нималардан иборат бўлишини белгилаган.

Калитли сўзлар: иқлим ўзгаришига қарши кураш, ер экотизимини сақлаб қолиш, глобал иқлимнинг ўзгариши, БМТнинг “Иқлим ўзгариши тўғрисида”ги Ҳадли Конвенцияси, Париж Битими, Киото Протоколи, “Ўзбекистон-2030” Стратегияси, инсон ҳуқуқлари

Annotation: the author of the article, based on human rights, examined the implementation of the UN Sustainable Development Goals related to climate change and conservation of land ecosystems in Uzbekistan, including the study of relevant legal sources, statistical data, establishing priority tasks to combat climate change and preserve the land fund in Uzbekistan, in connection with the intensifying processes of global warming and the drying up of the Aral Sea.

Keywords: combating climate change, preserving land ecosystems, global warming, UN Framework Convention on Climate Change, Paris Agreement on Climate, Republic of Uzbekistan, Kyoto Protocol, Strategy "Uzbekistan-2030", human rights

Ўзбекистон иқлим ўзгаришларга қарши кураш, атроф-муҳит ва биохилма-хилликни муҳофаза қилиш масаларига жиддий эътибор бериб келмоқда.

Бу нафақат бугунги, балки келажак авлодлар олдидаги эзгу инсоний бурчимиздир[1].

Ўзбекистон, иқлим ўзгаришига жавоб чоралар кўриш, иқтисодиёт тармоқларида унга мослашиш ва таъсирни юмшатиш жараёнлари билан боғлиқ масалаларни, шу жумладан Киото протоколи [2] ва БМТ ИЎТХК доирасида Париж битимини қисман ҳисобга олган бир қатор ҳужжатларни ратификация қилди.

2020 йил август ойида Ўзбекистонда Яшил иқлим фонди (GCF) [3] томонидан “Тайёргарликни ошириш дастури” доирасида молиялаштириладиган мамлакат учун тармоқлар ва ҳудудларнинг мослашиш режалари (ММР)ни ишлаб чиқиш бўйича лойиҳани амалга ошириш бошланди. Мазкур лойиҳа ММРни интерактив тарзда ишлаб чиқиш ва иқлим ўзгаришига мослашиш чораларини Ўзбекистонда миллий ва маҳаллий даражада режалаштириш ва бюджетлаштириш жараёнларига жорий қилиш учун институционал ва техник салоҳиятни мустаҳкамлашга қаратилган. Ўзбекистон учун ишлаб чиқиладиган Миллий мослашиш режалари қуйидаги пировард натижаларга эришишга қаратилган:

тармоқлараро иқлим ўзгаришига мослашиш чораларини режалаштириш ва турли даражадаги мослашиш тадбирлари ва ҳаракатларини амалга оширишни мувофиқлаштириш механизмини мустаҳкамлаш;

статистик маълумотлар базасини мустаҳкамлаш ва иқлим ўзгаришига мослашиш масалаларини миллий, тармоқлар ва ҳудудий миқёсда режалаштириш ҳамда бюджетлаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаш;

Ўзбекистон учун иқлим ўзгаришига мослашиш чораларини молиялаштириш ва инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш.

Мазкур лойиҳа иқлим ўзгаришига энг сезгир тармоқлар (қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш, энергия тежамкор бинолар қурилиши ва фавқулодда вазиятларда бошқариш) ва урта мақсадли ҳудудларга (Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятлари) эътибор қаратган ҳолда, иқлим ўзгаришига мослашиш чора-тадбирлари ва ҳаракатларини режалаштириш ҳамда уларнинг тегишли бюджетлаштириш жараёнини энгилаштиришга қаратилган. Лойиҳа доирасида 2023 йил ноябригача бешта тармоқлар миқёсида ва урта ҳудудлар миқёсида иқлим ўзгаришига мослашиш режаларини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

"Ўзгидромет", тегишли вазирлик ва идоралар, жумладан, халқаро ва миллий экспертлар билан яқин ҳамкорликда 2023 йилда яқунланиши режалаштирилган тармоқлар миқёсидаги (қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш, энергия тежамкор бинолар қурилиши ва фавқулодда вазиятларда бошқариш) иқлим ўзгаришига мослашиш режаларини ишлаб чиқмоқда.

Ўзбекистон иқлим ўзгаришига нисбатан энг заиф давлатлар қаторига киради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жаҳон метеорология ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги кунга қадар дунёдаги ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 1880 йил даражасидан 1 даража Цельсийга ошган. Ўзбекистонда айни шу даврда ўртача йиллик ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича 1,6 даражага (13,2 дан 14,8 даражагача) ортди. Республикада ўртача ҳаво ҳароратининг кўтарилиш интенсивлиги дунё миқёсида кузатилган ўртача кўрсаткичдан юқоридир. Иқлим ўзгариши экотизимларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда, бу эса мамлакатнинг барча минтақаларида экологик вазиятнинг кескинлашишига олиб келади.

“Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида 2023 йил 30 ноябрдан 12 декабрга қадар БМТ Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси доирасида COP28 саммити бўлиб ўтди [4]. Бугун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгаришини инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан бири деб тан олмоқда.

Бу борада ўз вақтида чоралар қабул қилмаслик ва атмосферада иссиқхона газлари миқдорини бундан кейин ҳам кўпайиши олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида мутахассислар томонидан огоҳлантирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур нуфузли тадбирда иқлим ўзгаришларини олдини олиш ва унга мослашиш борасида бир қатор конструктив таклифларни ўз ичига олган маъруза билан иштирок этди. Жумладан, Юртбошимиз “Париж шартномаси доирасида Иқлим ўзгаришига мослашиш соҳасидаги Глобал ҳадли механизмни тезроқ келишиш тарафдоримиз” [5],- дея таъкидлади.

Маълумки, иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўсиб бораётган глобал таҳдидларга комплекс жавоб қайтариш мақсадида 2015 йили Париж Битими қабул қилинди. Янги келишувнинг асосий қирраларидан бири ривожланган давлатлар билан бир қаторда ривожланаётган давлатлар ҳам ташланмалар миқдорини камайтириш мажбуриятини олиши белгилаб қўйилди.

Келишувнинг асосий мақсади иссиқхона газлари ташланмаларини сезиларни даражада камайтириб, сайёрамизда глобал иссиқхона индустриал ривожданиш давридаги ўртача ҳароратга нисбатан Цельсий шкаласи бўйича 1,5-2 градус чегарасида ушлаб туришга эришишдан иборат. Мутахассисларнинг фикрларига кўра, агар бу амалга оширилмаса, сайёрамиз йилдан йилга кўпроқ кескин иқлим ўзгаришларига дучор бўлади.

2017 йил 19 апрелида БМТнинг Нью-Йоркдаги Бош қароргоҳида Ўзбекистон Париж Битимини имзолади. Битимни имзолаш учун БМТ Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Ҳадли Конвенцияси котибиятига иссиқхона газлар ташланмаларидаги миллий миқёсда белгиланадиган хиссасини камайтириш тўғрисида ҳужжат тақдим этилди.

Мазкур битим 2018 йили 3 октябрда ратификация қилинди. 2030 йилгача узоқ муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикаси иқлим ўзгаришига қарши кураш чора ва ҳаракатларни кучайтиришни – 2030 йилга келиб иссиқхона газлари солиштирма ташланмаларини 2010 йилдаги даражага нисбатан ялпи ички маҳсулот бирлигига 10 фоизга қисқартиришни режалаштирган эди. 2021 йил ноябрь ойида Глазго шаҳрида ўтказилган БМТ Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Ҳадли Конвенциясининг 26-йиғилишида миллий делегациямиз томонидан бу кўрсаткични 35 фоизгача белгиланганлиги маълум қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган иккинчи таклиф сифатида глобал миқёсда кам углеродли иқтисодиётга ўтиш адолатли, шаффоф ва инклюзив бўлиши зарурлиги таъкидланди. Бу борада ҳам мамлакатимизда “яшил иқтисодиёт”, “яшил” энергетика, “ақлли” қишлоқ хўжалиги тамойилларини амалиётга жорий этиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Хусусан, 2023-2026 йилларда умумий қуввати 15 000 МВтга тенг электр станциялари ишга туширилиб, 2026 йилга бориб электр энергияси ишлаб чиқарилиши 100 млрд.кВт соатга оширилиши белгиланган. Бунинг учун республикамизда қайта тикланувчи электр станцияларини қуриш бўйича умумий қуввати 8 000 МВтдан ортиқ бўлган 22 та лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шундан 3 000 МВтдан ортиғи шамол электр станциялари (7 та) ҳамда 4 000 МВтдан ортиқ қуёш фотоэлектр станциялари (15 та) қурилади.

Жорий йил якунига қадар Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятларида умумий қуввати 3 827 МВт бўлган 10 та лойиҳа доирасида дастлабки 2000 МВт янги қувватлар ишга тушурилади. 2024 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида умумий қуввати 1 100 МВт бўлган 3 та шамол электр станцияларини ва Навоий вилоятида қуввати 200 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини, 2025 йилда Хоразм ва Бухоро вилоятларида умумий қуввати 350 МВт бўлган 2 та қуёш фотоэлектр станцияларини ҳамда 2026 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида умумий қуввати 2 300 МВт бўлган 3 та шамол электр станцияларини ва Қашқадарё, Жиззах ва Фарғона вилоятларида умумий қуввати 550 МВт бўлган 3 та қуёш фотоэлектр станциялари қурилиши белгиланган.

Учинчи ташаббус сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг резолюцияси асосида Оролбўйи ҳудудини экологик офат зонасидан “инновациялар, технологиялар ва янги имкониятлар минтақаси”га айлантириш масаласи илгари сурилди ҳамда бу ерда Иқлим технологиялари халқаро экспо-хабини яратишда хорижий мамлакатларни яқин ҳамкорликка таклиф этилди.

Маълумки, минтақамизда иқлим ўзгаришларига сабаб бўлувчи омилларидан бири Орол денгизи фожеаси оқибатларини юмшатиш, Оролнинг қуриган тубида ўрмонлаштириш ишларини амалга ошириш, Оролбўйи ҳудуди аҳолиси фаровонлигини ошириш бўйича юртбошимиз ташаббуслари билан улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Биргина мисол, сўнгги 5 йил давомида Оролнинг қуриган тубида қарийб 2 млн гектар майдонга саксовул, черкес ва бошқа шўрга ва қурғоқчиликка чидамли ўсимлик уруғлари сепилди ва кўчатлари экилди. Ушбу ҳудудларда чўл ўсимликларидан "яшил қопламалар" — химоя ўрмонзорлари барпо этиш ишларини олиб борилиши ўз навбатида Орол денгизининг суви қуриган тубидан кўтарилаётган қум, туз ва чанг заррачаларининг салбий таъсирини камайтириш, глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёти ва фаолиятига салбий таъсирини янада юмшатиш имконини беради.

Тўртинчи ташаббус сифатида иқлим ўзгаришига қарши курашда илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш лозимлиги таъкидланди. Бу борада Тошкентдаги

“Яшил университет” негиздаги “Иқлим илмий форуми”да хорижий мамлакатларнинг етакчи олим ва экспертларини иштирок этишга чақирилди.

Шунингдек, яна бир таклиф сифатида БМТ билан 2024 йили Ўзбекистонда “Иқлим миграцияси” конференциясини ўтказилиши ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти билан “Яшил бандлик” дастури”ни ишлаб чиқиш ва Моделлаштириш марказини ташкил этиш масаласи илгари сурилди.

Дарҳақиқат, иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг тақчиллиги, чўлланиш, биологик хилма-хилликнинг қисқариши каби экологик муаммолар кучаяётгани эртанги тараққиётга жиддий раҳна солмоқда. Шу боис атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланди.

Мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг янги босқичида бундай глобал экологик муаммоларнинг олдини олиш, барқарор ривожланишга эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини сақлаш соҳасида бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида 12 та мақсадни ўз ичига олган сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишининг белгилангани ҳам бежизга эмас. Мазкур мақсадларни амалиётга татбиқ этилиши мавжуд экологик муаммоларни ҳал этилиши билан бир қаторда минтақамиздаги экологик барқарорликни таъминлаш учун хизмат қилади.

2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепцияси, 2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси, Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси соҳани ривожлантиришда асосий дастуриламал бўлиб, глобал иқлим ўзгаришларини олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган конструктив таклифлар нафақат мамлакатимиз, минтақамиз балки бутун дунёда глобал тусдаги экологик муаммоларни бартараф этиш, экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, иқлим ўзгаришларини олдини олиш ва унга мослашиш имконини беради” [6].

EDGAR халқаро базасига кўра, 2021 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг углерод сиғими 0,465 тонна CO₂/1000\$ ташкил этди (2017 йил доимий нархларида) ва 2019 йилга нисбатан 6,6% га камайди [7].

2019 йил октябрь ойида республикада 2030 йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси қабул қилинди. Концепцияда атроф-муҳитни (атмосфера ҳавоси, сув, ер, тупроқ, ер ости бойликлари, биологик хилма-хиллик, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар) антропоген таъсирлардан ва бошқа салбий омиллардан сақлаш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва чиқиндиларни бошқаришнинг экологик тоза тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар мавжуд. Концепцияни амалга ошириш орқали қуйидаги ўзгаришлар кутилмоқда:

- Орол денгизининг қуриган тубининг Ўзбекистон ҳудудидаги қисмига ўрмон экиш майдонини 28 % дан (0,9 млн гектар) 60 % га (2 млн гектар) етказиш;
- ифлослантирувчи моддалар ташламаларини 10 % га камайтириш (2,492 миллиондан 2,243 миллион тоннагача);
- 80 % (тахминан 6500 та) жамоат транспортини табиий газ ёқилғиси ва электрда ҳаракатланишга ўтказиш;
- ўрмон билан қопланган ҳудудни 3,2 миллиондан 4,5 миллион гектаргача етказиш;
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини 3,5 % дан (1,5 млн га) 12 % га (5,4 млн) кўпайтириш;
- аҳолининг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари билан қамраб олинишини 48 % дан (16 млн киши) 100 % етказиш;
- ҳосил бўлган қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмини 18% дан (1,3 млн тонна) 65% гача (4,6 млн тонна) ошириш.

Орол фожеаси нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёнинг иқлим шароитига кучли салбий таъсир кўрсатиб, ёзда қуруқ ва иссиқни кучайтиради, қишда эса совуқ кунлар давомийлигини оширади. Оролбўйи ҳудудида ҳарорати 40°C дан юқори бўлган кунлар сони 2 баравар, Ўзбекистоннинг қолган қисмида эса ўртача бир ярим баравар кўпайди. 1950 йилларнинг бошидан бошлаб республика ҳудудида ҳароратнинг ўртача ўсиш суръати ўн йил ичида 0,29 °C ни ташкил этди, бу глобал иссиқ суръатларидан 2 баравар кўпдир.

2021 йил сентябрь ойида БМТда сўзлаган нутқида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Орол денгизининг қуриши натижасида Оролбўйи ҳудуди «экологик ҳалокат эпицентrigа» айланганини қайд этиб ўтди. Айни шу сессияда у Оролбўйи минтақасини «экологик инновациялар ва технологиялар зонаси» деб эълон қилишни ва Бутунжаҳон экология Хартиясини ишлаб чиқишни таклиф қилди [8].

2021 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Оролбўйи минтақасида тадбиркорликни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади. Бундан кўзланган

асосий мақсад – мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ҳудудларида қулай агробизнес муҳитини яратиш ҳисобланади.

2022 йилнинг январь ойида ҳукумат томонидан 2022–2026 йилларда Орол денгизи туби ва Оролбўйи ҳудудини қоплаш учун яратилаётган ҳимоя ўрмонлари майдонлари, шунингдек, 2022–2026 йилларда Орол денгизи туби ва Оролбўйи ҳудудини қоплаш учун ҳимоя ўрмонларини яратиш учун чўл ўсимликлари уруғларини тайёрлаш ҳажми тасдиқланди. Ушбу режага кўра, 2026 йил охирига қадар Қорақалпоғистон ҳудудида 500 минг гектар саксовул, қорабароқ ва черкез экилиши мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 январдаги «Оролбўйи ҳудудини экологик инновациялар ва технологиялар зонасига айлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан Оролбўйи ҳудудини экологик инновациялар ва технологиялар зонасига айлантириш концепцияси ҳамда 2022–2026 йилларда Оролбўйи ҳудудига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг устувор йўналишлари бўйича кўп томонлама «йўл харитаси» тасдиқланди.

Жаҳон банкининг «Орол денгизи тубидан қум ва чанг бўронларини камайтириш мақсадида Ўзбекистонда ландшафтлар тиклашнинг аҳамияти» номли сўнгги тадқиқотига кўра, ҳар йили Оролқумнинг қум ва чанг бўронлари Қорақалпоғистонга 44 миллион доллардан ортиқ иқтисодий зарар етказади. (Минтақа ялпи ички маҳсулотининг 2%и). Кейинги 20 йил ичида Жаҳон банки маълумотларига кўра, ушбу вазиятни ҳал этишдаги сусткашлик минтақага 840 миллион доллардан кўпроқ зарар етказиши тахмин қилинмоқда.

2018–2021 йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 1,5 миллион гектар майдонда саксовул, черкез, қандим ва қорабароқ каби чўл ўсимликларидан ҳимоя ўрмонзорлари яратилди. Ишларга 4000 дан ортиқ ишчи ва 1600 та техника, шу жумладан самолётлар жалб этилди. 2022 йилда 107 минг гектар майдонда ҳимоя ўрмон плантациялари ташкил этилди, бунинг учун 580 тонна чўл ўсимликларининг уруғларидан фойдаланилди. Бундан ташқари, 100 гектар майдонда питомник ташкил қилинди.

Ҳозирги вақтда 26 минг гектар майдонда иш олиб борилмоқда, экиш учун 562 тонна уруғ тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4204-сон Қарори ҳам қабул қилинди. Мазкур Қарорда қайд этиладики:

“Республикада чўлланишнинг олдини олиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда республика ҳудудининг 70 фоизи ёки 31,4 млн га табиий шўрланишга, кум кўчкилари, чангли бўронлар ва гармселлар тарқалиши таъсирига учраган қурғоқчил ва ярим қурғоқчил майдонлардан иборат. Орол фожиаси оқибатида 5,5 млн гектардан ортиқ майдонли Оролқум чўли вужудга келган.

Ерлар чўлланишининг олдини олиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш соҳасида амалдаги давлат бошқаруви тизими ушбу йўналишдаги ишларни самарали мувофиқлаштиришни таъминлаш имконини бермаяпти.

Чўлланишга қарши курашиш, деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш бўйича ишларни олиб бориш самарадорлигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини самарали бажаришни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 125-I-сон қарори билан Қаттиқ қурғоқчиликни бошдан кечираётган ва (ёки) чўлга айланиб бораётган мамлакатларда, айниқса, Африкада чўлга айланиб боришларга қарши кураш бўйича БМТ Конвенцияси (кейинги ўринларда — Конвенция) ратификация қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига қуйидаги қўшимча функциялар юклансин:

республикада чўлланишнинг олдини олиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича халқаро мажбуриятларини бажариш;

чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этадиган вазирлик, идора ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишларини мувофиқлаштириш;

Конвенция талабларини бажариш доирасида Ўзбекистон Республикасининг миллий ваколатли органи вазифаларини амалга ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппаратининг тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг Конвенция доирасида халқаро мажбуриятлар бажарилиши учун масъул бўлган штат бирликларини керакли миқдорда тугатиш ҳисобига бошқарув ходимларининг

штат сони 4 нафардан иборат бўлган Чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бошқармаси ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси:

доимий равишда Конвенция доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари ўз вақтида ва зарур даражада бажарилишини таъминлаб борсин;

чўлланишнинг олдини олиш, қурғоқчиликка қарши курашиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш бўйича юкланган вазифаларни самарали бажариш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хорижий ихтисослаштирилган ташкилотлар мутахассисларини зарур ҳолларда жалб қилсин;

хар чоракда чўлланишнинг олдини олиш, қурғоқчиликка қарши курашиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш борасида бажарилган ишлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

5. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича халқаро мажбуриятларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг миллий ваколатли органи функциялари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига юклатилгани тўғрисида белгиланган тартибда Конвенция Котибиятига хабарнома юборсин” [9].

Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, Оролқумдаги ландшафтни тиклаш бўйича чора-тадбирлар йилига тахминан 39 миллион доллар (Қорақалпоғистон ЯИМининг 1,9%) қўшимча фойда келтириши мумкин. Ландшафтни тиклаш, шунингдек, ялпи ички маҳсулотнинг 0,3%ига тенг бўлган тахминан 5,5 миллион долларлик ҳосил йўқотилишининг олди олинади. Ўзбекистонда ландшафтларни тиклаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш натижасида экотизим хизматларининг афзалликлари, агар тупроқни тиклашнинг тегишли усуллари қўлланилса, экинлар етиштиришни кенгайтиришнинг иқтисодий ва молиявий фойдаларига қараганда нисбатан муҳим аҳамиятга эга.

Республиканинг «яшил» иқтисодиётга ўтиш жараёнида 2019 йилда Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Концепциянинг мақсади ёш авлодда экологик билим, онг ва маданиятни шакллантириш, инновацион технологияларни жалб қилган ҳолда экология соҳасидаги илм-фанни такомиллаштиришдир.

Мақтабгача таълим муассасаларида «эколог болакай» дастурини жорий этиш ва "экологик йўлақлар"ни ташкил этиш, шунингдек, «она табиат» мавзусида очик ҳавода дарс соатлар ўтказиш йўлга қўйилди. Умумтаълим

мактабларида «ЭНГ яхши экологик тоза мактаб» ва «ЭНГ яхши эколог ўқувчи» танловлари ўтказилмоқда.

Лицей ва коллеж ўқувчилари учун «экология билимдони» ва «ЭНГ яхши экологик лойиҳа» танловлари ўтказиш мўлжалланган. Олий ўқув юртларида «Эко-клублар» ташкил этилиши режалаштирилган.

Экологик маданият ва таълимни шакллантириш мақсадида мактабларда 1-2 синфлар учун «табiiй фанлар», 3-4 синфлар учун «Табиатшунослик» фанлари жорий этилди.

Республикада экологик таълимни ривожлантиришда «Замин» жамғармасининг ҳиссаси катта. 2021 йилда жамғарма томонидан экологик масъулиятли авлод тарбиялашга имкон берувчи – «Zamin Eco Education» лойиҳаси ишлаб чиқилди ва амалга оширишга киришилди. Дастур экологик таълим учун бир нечта мустақил таркибий қисмларни ўз ичига олади.

Иқлим ўзгариши оқибатларининг олдини олиш, уларга мослашиш ва хавфли иқлим ҳодисалари хавфининг эрта олдини олиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида билим ва хабардорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги веб-саҳифасида «яшил иқтисодиёт» деб номланувчи алоҳида янгиликлар ва таҳлилий бўлим ишга туширилди.

Шунингдек, 2022 йил 29 апрель куни ушбу вазирлик ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтида яшил ўсишни таъминлаш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва фикр алмашиш концепцияларини шакллантириш, шунингдек экспертлар, илмий-тадқиқот муассасалари, халқаро молия институтларини жалб этиш ва кўшма фаолиятни амалга ошириш орқали мамлакатнинг «яшил» иқтисодиётга ўтиш жараёнларини жадаллаштиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган «Green Hub» платформасини ишга тушириш маросими бўлиб ўтди [10].

Келгусидаги қадамлар:

– углерод сифимининг ЯИМга нисбатини камайтиришни таъминлаш мақсадида республикада «яшил технологиялар»ни жорий қилиш ва ривожлантириш ;

– «яшил» иқтисодиёт соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шу жумладан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш;

– Париж келишуви бўйича ихтиёрий равишда қабул қилинган мажбуриятларни бажаришни давом эттириш;

– хорижий инвесторларни мамлакатнинг иқлимга оид лойиҳаларига жалб қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

– миллий режаларга киритиш орқали иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш бўйича чора тадбирларни зарур молиявий маблағлар билан таъминлаш;

– кўп углерод ишлаб чиқарувчи тармоқлардан бўшаган ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва иш билан таъминлаш чораларини кўриш орқали «яшил» иқтисодиётга адолатли ўтишни таъминлаш.

Ўзбекистон сийрак ўрмонли давлат бўлиб, миллий статистика маълумотларига кўра ўрмонлар майдони 8,7% ни ташкил этади. Шу билан бирга, 2019 йилдан бошлаб умумий ер майдонига нисбатан ўрмонлар майдони амалда 0,1 фоизга ошди. Ўрмон фонди ерларининг энг катта майдонлари – Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида жойлашган бўлса, энг кичик майдонлари – Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ва Фарғона водийсида сақланиб қолган.

2021 йилда жами 609 минг гектар майдонга, асосан, чўл ҳудудларида дарахт ниҳоллари экилди. Шунингдек, тоғли ва тоғолди ҳудудларида 8 минг гектар, ўрмонларда 1000 гектар майдонга ёнғоқ турлари экилиб, ўрмонларни қайта тиклаш ишлари олиб борилди. Шу билан бирга, табиий кўпайиш учун шароит яратилди.

2021 йилда 672 минг гектар майдонда ўрмонлар яратилди ва қайта тикланди. Жумладан чўл зонасида – 658 минг гектар майдонда, тоғли ва тоғолди зонасида – 10,6 минг гектар майдонда ёнғоқ плантациялари, водий ва тўқай зоналарида қолган – 3,4 минг гектарда ўрмонзорлар барпо этилган.

Кейинги йилларда табиий ҳудудларни сақлаш ва тиклаш, экологик муҳитни яхшилаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, 2019–2021 йилларда Угом-Чотқол давлат биосфера резервати, Хоразм миллий табиат боғи ва “Жанубий Устюрт” миллий табиат боғи, давлат буюртмаси асосида “Судочье-Акпетки” кўрикхонаси ташкил этилиб, республикада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар улуши қарийб икки баробар ошди.

2022 йилда давлат экология институти шаклида қуйидагилар ташкил этилди:

– Учқудук туманидаги умумий майдони 1,2 миллион гектар бўлган “Марказий Қизилқум” миллий табиат боғи;

– Томди туманидаги умумий майдони 40 минг гектар бўлган “Оқтоғ-Томди” давлат кўрикхонаси.

2019 йилда Ўзбекистон Қизил китобининг янги наشري чоп этилди. Ўсимлик дунёсига бағишланган биринчи жилд 314 ўсимлик турини ўз ичига олади (2009 йил нашрида 324 та). Бундан ташқари, рўйхатга 15 та янги тур қўшилди ва 0-тоифа (“эҳтимол йўқ бўлиб кетган”) 19 тадан 10 тага қисқартирилди, 157 тур ўз мақомини ўзгартирди.

Ўзбекистон фаунасини тавсифловчи иккинчи жилдга сут эмизувчиларнинг 30 тури (кичик турлари билан – 32), кушларнинг 52 тури, судралиб юрувчиларнинг 21 тури, балиқларнинг 17 тури (кичик турлари билан – 18), чувалчангларнинг 3 тури, моллюскаларнинг 14 тури ва артроподларнинг 66 тури киритилган.

Республикада мавжуд 44,9 миллион гектарнинг атиги 4,3 миллион гектари (10 фоизга яқини) суғориладиган ерлардир. Бу ерларнинг 2 миллион гектарга яқини (45%) иккиламчи шўрланишга учраган, 800 минг гектар майдонда сув эрозияси муаммоси мавжуд. Шамол эрозияси 2 миллион гектардан ортик майдонда учрайди.

Ер деградациясига барҳам бериш мақсадида 2022 йил 10 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида алоҳида янги бошқарма ташкил этилиб, унга республикада ерларнинг деградацияси ва унинг олдини олиш муаммоларини ҳал этиш юклатилди.

Кейинги қадамлар:

– биохилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

– ер муҳофазасини рағбатлантириш ва тупроқ унумдорлигини тиклашнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш;

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (МТХ) тизимини янада ривожлантириш, МТХнинг моддий-техник базасини яхшилаш, ходимларнинг ботаника, зоология ва экология соҳалари бўйича доимий малакасини ошириш;

– географик ахборот тизимлари асосида қишлоқ хўжалиги ерларининг мониторинги механизмини такомиллаштириш;

– биохилма-хилликни сақлаш масалаларини иқтисодиётнинг барча тармоқларига интеграция қилиш;

– табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон 2030 йилгача ерларнинг чўлланиш ва деградация даражасини камайтириш, ер майдонларининг сифати ва унумдорлигини қайта тиклаш соҳасида қуйидаги вазифаларни белгилаб олган: ерларни эрозиядан ва мелиорация объектларини қум кўчишидан сақлаш учун 26 200 гектар ихота дарахтзорларини барпо этиш; Республикада ўрмон билан қопланган майдонларни 6,1 миллион гектарга етказиш, дарахт ва бута уруғлари тайёрлашни 840 тоннага ошириш; ўрмон фондининг тоғ ва тоғолди ҳудудлари плантацияларини барпо қилиш, чўл ҳудудларида ўсимликларни кўпайтириш, ҳудудларда ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш; ўрмон хўжаликлари ва миллий табиат боғлари, тоғли ва чўл ҳудудлари ҳамда сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарида экотуризм, тоғ, ов ва сафари туризмни жорий қилиш. ишлаб чиқиш ва амалга ошириш [11].

Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича талайгина чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва келажақда мазкур мақсадлар сари зарур бўлган тадбирлар ўтказилади. Буларнинг барчаси инсон ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш ҳамда мамлакатимизда сihat саломатлик ва фаровонликни кучайтириш, тоза сув билан таъминлаб, гигиена талабларини 100 фоиз амалга ошириш, иқлим ўзгаришларига қарши сезиларли чораларни қабул қилиш ҳамда ер усти экотизимларини чўлланишга қарши сақлаш ҳаракатлари мазкур таъминловнинг кафолати сифатида хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. 6-жилд. Тошкент: "Ozbekiston" нашриёти, 2023. – 223 б.

[2] Киотский протокол к Рамочной Конвенции ООН "Об изменении климата" от 11.04.2001// https://www.mid.ru/ru/foreign_policy/ecology/ekologicheskie_voprosy_deyatelnosti_oon/1704445/

[3] <https://www.greenclimate.fund/>

[4] КС-28: Конференция ООН по климату Дубай, Объединенные Арабские Эмираты | 30 ноября - 12 декабря 2023 года// <https://news.un.org/ru/events/ks-28/date/2023-12-03>

[5] Ўзбекистон Президенти иқлим соҳасидаги глобал кун тартиби доирасида қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди// <https://president.uz/uz/lists/view/6899-1.12.2023>

[6] Гаффоров Х. Глобал муаммони ҳал этиш йўлидаги муҳим ташаббуслар// <https://parliament.gov.uz/oz/articles/1907>

[7] <https://edgar.jrc.ec.europa.eu/>

[8] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқи// <https://president.uz/uz/lists/view/4632-> 21.09.2021

[9] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида чўланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4204-сон Қарори// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2019 й., 07/19/4204/2649-сон

[10] Запущена платформа Green Hub// Народное слово, 05 мая 2022 года// <https://xs.uz/ru/post/zapuschena-platforma-green-hub>

[11] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисида»ги 11 сентябр 2023 йилдаги №ПФ-158 Фармони// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон